Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 14-mart, shanba, № 34 (3539)

Биз доимо меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлашга содиқ бўлиб қолаверамиз.

Ислом КАРИМОВ

Кўргазма

Кўргазмада мижозлар кредитлаш шартлари, механизмлари ва бошқа банк-молиявий хизматлар кўрсатиш тартиблари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси билан яқиндан таништирилиб, уларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришилди.



БАНК ТИЗИМИ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

12-13 март кунлари «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари VIII йиллик BANKEXPO — 2015 миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг барча тижорат банклари, кредит ташкилотлари, етакчи суғурта ва лизинг компаниялари ҳамда ахборот технологиялари компаниялари ҳам ўз маҳсулотлари ва хизматлари тўғрисида маълумотлари билан иштирок этди.

Тижорат банклари кўргазмага ташриф буюрган аҳоли, тадбиркор ва ёшларга кўрсатилаётган янги хизматлар, хусусан, янги кредит ва депозит маҳсулотлари, умуман, ўз фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи тақдимот маросимларини ўтказди. Тадбиркорлар, ўз бизнес фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари таклиф этилаётган банк хизматлари бўйича маълумотга эга бўлишди.

— Бундай кўргазмалар биз каби касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг банк-молия тизими янгиликларига бўлган қизиқиши ортишига хизмат қилади, — деди Зангиота тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи 2-босқич ўқувчиси Мавжуда Содиқова. — Коллежни тамомлаб, балиқчилик фермер хўжалигини ташкил этиш ниятидаман. Шунинг учун кўргазмага ташриф буюриб “Агробанк” мутахассисларидан тадбиркорлик фаолиятимни бошлаш учун керакли маълумотлар олиш имконига эга бўлдим. Энди бизнес лойиҳа тайёрлашга киришаман.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юртимиз банк тизимида «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилига тўлиқ амал қилинмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
“Ishonch” мухбири.
ЎзА фотомухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

29 март — Президент сайлови куни

12 март куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Каетана де Зулуета бошчилигидаги кузатувчилар миссияси вакиллари 2-Андижон округ сайлов комиссиясида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнининг бориши билан танишди.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР АНДИЖОНДА

Марказий сайлов комиссияси аъзоси Феруза Аҳмедова меҳмонларни қутлар экан, ЕХҲТ ДИИҲБ билан ҳамкорлик самарали ривожланиб, ижобий натижалар бераётганлигини таъкидлади.

Округ сайлов комиссияси ўз фаолиятида шаффофликни таъминлаш ва жамоатчиликни сайлов ҳақида хабардор қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш ишларига катта эътибор қаратиляпти. Сайловолди ташвиқоти доирасида сайловчиларнинг Президентликка номзодлар билан учрашувлари ўтказилмоқда. Номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан ташвиқот ишлари олиб бораётир. Округ сайлов комиссияси аъзолари бу каби тадбирларни уюштиришда яқиндан ёрдам беришяпти.

Каетана де Зулуета хоним ҳозирги вақтда ЕХҲТ ДИИҲБнинг узоқ муддатли кузатувчилари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўз фаолиятини олиб бораётганлиги, миссия аъзолари сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари билан учрашаётганлиги ҳақида маълум қилди. Сайловлар бўйича таҳлилчи Рон Лауфер жаноблари (Канада) округ сайлов комиссияси фаолияти ва унинг ваколатлари, сайлов участкаларидаги тайёргарлик ишлари билан қизиқди.

Округ сайлов комиссияси котиби Шукрилло Икромов участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш тартиби, бунда маҳалла институтининг ўрни, аккредитациядан ўтган журналистлар билан ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари хусусида сўзлаб берди. 742 та сайлов участкасининг барчаси сайлов қонунчилигида белгиланган тартибда зарур жиҳозлар, техник воситалар ҳамда адабиётлар билан таъминланган.

Ўз навбатида, ЕХҲТ ДИИҲБ кузатувчилар миссияси самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, бўлажак сайловлар мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи муҳим сиёсий воқеа эканлигини қайд этди.

— Юртингизда Президент сайловига тайёргарлик жараёнини кузатишда иштирок этаётганимиздан мамнунмиз, — деди кузатувчилар миссияси раҳбари Каетана де Зулуета. — Округ сайлов комиссиялари бизга яқиндан кўмаклашаётир. Ўзимизни қизиқтираётган саволларга тўлақонли жавоб олаяпмиз. Андижонда ҳам сайловга пухта тайёргарлик кўрилаётганига гувоҳ бўлдик. Сизлардаги очиқ чеҳра, меҳмондўстлик, самимият таҳсинга лойиқ.

Халқаро кузатувчилар сафар доирасида Асака қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биносида фаолият кўрсатаётган 289-сайлов участкасида бўлиб, сиёсий кампанияга тайёргарлик, яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Андижон шаҳридаги «Бўстон» маҳалласига ташриф буюриб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда унинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар фаоллигини оширишдаги аҳамияти билан қизиқди. Маҳалланинг кайвони отахону онахонлари, ёшлари иштирокида ўтказилаётган сумалак сайли, миллий урф-одат ва қадриятларимиз намойиши, маҳаллий ҳунармандлар томонидан ташкил этилган қўл меҳнати маҳсулотлари кўргазмаси уларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, меҳмонларга мустақиллик йилларидаги буюк ўзгаришлар, Андижонда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
“Ishonch” мухбири.
Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат

▽ Сайлов — 2015

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва халқаро кузатувчилар иштирок этди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси, жумладан, участка сайлов комиссиялари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг айрим масалалари кўриб чиқилди.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси мамлакатимиз Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарор, низом ва йўриқномалари асосида очиқ ва ошкора ўтказилаётгани таъкидланди.

Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги, ушбу муҳим сиёсий тадбирни ўтказиш амалиёти бўйича билим ҳамда кўникмалари ошириб борилмоқда. Улар учун семинар-тренинглар ўтказилиб, ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга экани қайд этилди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси зарур ҳужжатларни тақдим этган халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчиларини, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларини рўйхатга олиш масаласини кўриб чиқди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

▽ Муносабат

2015 йилнинг муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номлангани барчамизни чексиз қувонтирди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллик байрамига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида халқимизнинг “Каттага ҳурмат, кичикка иззат”, “Қариси бор уйнинг баракаси бор”, “Кексаси бор уй — фариштали уй” деган пурмаъно нақлларига алоҳида урғу бериб, бу ҳикматлар замирида улкан маъно-мазмун мужассам эканлигини таъкидлаб ўтганди.

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Яқинда эса Президентимизнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Унда қарияларимизни эъзозлаш, уларга ғамхўрликлар кўрсатиш борасида амалга оширилажак кенг кўламли ишлар белгилаб берилди. Бу касаба уюшмалари олдига ҳам катта вазифаларни қўяди.

Бу борада Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг қарори қабул қилиниб, бажарилажак ишлар белгилаб олинди. Унга кўра, жорий йилда 1941-1945 йиллардаги 249 нафар уруш қатнашчисини Хотира ва қадрлаш куни арафасида 74,7 млн. сўмлик моддий рағбатлантириш режалаштириляпти. 170 нафар ишловчи, 100 нафар нафақадаги фахрийни соғломлаштириш, ходимларнинг ота-оналаридан 270 нафарини касаба уюшма санаторийларида дам олдириш мўлжалланаётир.

Вилоятдаги маҳаллаларда ўтказиладиган “Кексалар дуосини олайлик” акцияси доирасида ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексаларнинг 143 нафарига электрмаиший техника товарлари бериш, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида 80 нафар фахрий отахон ва онахоннинг тарихий шаҳарларга саёҳатини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, меҳнат жамоаларида фахрийлар ўртасида стол тенниси, шахмат, шашка, бадминтон спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш белгиланди. Йил давомида ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада Фахрийлар кенгашини ташкил этиш, уларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш, турли тадбирларда иштирокини таъминлаш, “Касбим — фахрим” тадбири орқали меҳнат фахрийларининг ёшлар билан учрашувларини ўтказиш режага киритилди.

Ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур ҳамда ўзини англаш ҳиссини шакллантириш мақсадида “Сиз доим эъзоздасиз”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Кексаларни ардоқлаган юрт”, “Фахрийлар — фахримиз” мавзуларида маънавий-маърифий тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилади.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар бериш, уй-жойларини таъмирлаш, коммунал хизматларига кўмаклашиш кўзда тутиляпти. Бундан ташқари, Яккабоғ туманидаги “Саховат” ва Шаҳрисабздаги Аёллар “Мурувват” уйларида яшовчи қариялар ҳолидан хабар олиб, улар учун маданий-кўнгилочар тадбирлар уюштириш белгиланди.

●○●●▶ 2

▽ Бунёдкорлик

Ҳар сафар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Равшан Жабборов ҳузурида бўлганимда, у киши Хоразм воҳасида амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилишдан чарчамайди.

КЎҲНА ДИЁРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

дунёнинг ҳайратига сабаб бўлмоқда

— Вилоятимизда ўтган йили ялпи маҳсулот ҳажми 4736,3 млрд. сўмга, яъни 110,5 фоизга бажарилди. Аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ҳажми 109,7 фоизни ташкил этди, — дейди Р.Жабборов. — Айниқса, мана бу рақамларга эътибор қаратинг. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 147,8 фоизни, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 186,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич эса Хоразм саноат диёрига айланди дегани. Урганч шаҳри қиёфасининг тубдан ўзгаргани, маҳобатли Шовот канали, Урганч экскаваторлари, Ҳазорасп “Дамас”и ва бошқалар, шубҳасиз, Президентимизнинг вилоятни ривожлантиришга қаратаётган эътибори маҳсулидир.

Мазкур кенг кўламли ўзгаришлар меҳнаткашларнинг, демакки, касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилмоқда. Янги корхоналарнинг бунёд этилиши аҳоли бандлигини таъминласа, ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жалб этилиши меҳнат шароитларини яхшилаш имконини беради. Барпо этилаётган замонавий турар жойлар эса меҳнат аҳлининг тўкис турмуш кечиришини кафолатлайди.

Раис эътироф қилган яна бир рақам диққатимизни тортди. 2014 йилда барча йўналишлар бўйича 60167 та, жумладан, аёллар учун 28095 та, ёшлар учун 24837 та иш ўрни яратилди. Бу эса шунча киши муқим иш ўрнига эга бўлганини англатади. Касаба уюшмалари томонидан яратилаётган иш ўринлари, меҳнаткашларга иш ҳақларининг ўз вақтида тўланаётганлиги доимий мониторинг қилиб борилмоқда.

Вилоятда 2015 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилга нисбатан 2,1 баробарга ортиши кутилмоқда. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,7 баробарга, қурилиш материаллари 4,4 баробарга, машинасозлик ва кимё саноати соҳасида 7,3 баробарга, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш 2,6 баробарга ўсиши белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорда нарх-навонинг арзонлашувига ҳам сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам бугун қурилишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Ахир, хом ашё ўзингдан бўлгандан кейин нафақат нархи, сифати ҳам қониқарли бўлиши табиий.

Бунёдкорликлар билан янада яқинроқ танишиш мақсадида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хоразм вилояти ташкилотлари бирлашган кўмитаси раиси Камолиддин Рўзметов, “Хоразмйўлқурилиш” ташкилоти касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳурмат Аниязов ҳамроҳлигида Урганч кўчаларини айланамиз.

Дарҳақиқат, Хоразмнинг нафақат тарихий обидалари, замонавий иншоотлари ҳам ҳар қандай нозик дидли меҳмонни ўзига маҳлиё қилади. Бу эса ҳудудда туризмнинг янада ривожланишида, бу заминга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони ошишида муҳим омил бўлмоқда.

●●○●▶ 3

2015-yil 14-mart, shanba, № 34 (3539), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

«Қўнғирот сода заводи» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитасининг 2010-2015 йиллардаги фаолиятига доир бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида тизимдаги ислоҳотларга алоҳида урғу берилди.

Касаба уюшма ташкилотларида амалга оширилган ислоҳотлар ҳисобот давридаги энг аҳамиятли ишлардан бири бўлгани таъкидлаб ўтилди. Тизим такомиллашуви натижасида бошланғич ташкилотлар ихтиёридаги маблағлар иқтисод қилиниб, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга сарфланаётир. Илгари ходим беш йилда бир марта имтиёзли дам олган бўлса, эндиликда икки йилда бир бор бу имтиёздан фойдаланиш билан бирга, хоҳишига кўра бу йўлланмани оила аъзоларидан бирига бериши ҳам мумкин.

ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

— Айниқса, бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш тизимининг жорий этилиши биз учун катта имкониятлар эшигини очиб берди, — дейди «Қўнғирот сода заводи» УК касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Аллиёров.

Қатор тадбир ҳамда кўрик-танловларнинг ташкил этилиши ходим меҳнатини янада муносиб тақдирлашга хизмат қилиши билан бирга, халқ ичида касаба уюшмалари нуфузи ортиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари қўмита раисининг маърузасидан сўнг бошланғич ташкилот фаолияти бўйича ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди. Қизғин мунозаралардан сўнг тегишли қарорлар қабул қилинди. Бахтиёр Аллиёровга жамоа яна бир овоздан ўз ишончини билдирди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

***

«Ангрен логистика маркази» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Унда жамоа шартномаси бандларининг 2014 йилдаги ижроси юзасидан корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, 2011 йил июлидан 2015 йил февралигача бўлган даврда бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида 37 та маданий-маърифий, 28 та спорт тадбирлари уюштирилди. Ҳар йили мамлакатимиз Мустақиллиги байрами олдидан касаба уюшма ташкилотининг кубоги учун футбол бўйича биринчилик ўтказилди. Касаба уюшма ташкилоти ташаббусига кўра автомобилчилар байрами муносабати билан ташкил этиладиган спорт мусобақалари ҳам барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ижтимоий ҳимоя таомилидан келиб чиққан ҳолда, 214 нафар ишчи ва 44 нафар ногирон фарзандлари бўлган ходимларга 42 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Кўпчилик овоз билан Муқаддам Нарбаева яна «Ангрен логистика маркази» АЖ касаба уюшма қўмитасининг раиси этиб сайланди.

***

«Оҳангаронцемент» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида 2010-2015 йиллардаги фаолият якунлари ва навбатдаги вазифалар тўғрисида касаба уюшма қўмитасининг раиси Муҳаммаджон Дўстбоев маъруза қилди.

— Ҳисобот даврида корхонамизда 2010-2012 йиллар ҳамда 2013-2015 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномалари амал қилди, — деди ўз маърузасида касабақўм. — Ҳар йили жамоа шартномасининг тўлиқ бажарилишига эришилмоқда. Натижада, 2011 йили жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 9,2 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига келиб бу кўрсаткич 20,5 миллион сўмга етди.

Ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига йилига ўрта ҳисобда 778,2 млн., меҳнат муҳофазаси бўйича битимда белгиланган ишларга эса 163,6 млн. сўм сарфланмоқда.

Конференцияда маъруза юзасидан сўзга чиққанлар фаолиятни янада яхшилаш ҳақида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ўктам Турғунов сўзга чиқди.

Касаба уюшма қўмитаси раислигига Муҳаммадали Дўстбоев қайта сайланди.

Н.РАФИҚОВ

***

«Хоразмавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида 2010-2014 йиллардаги фаолият таҳлил қилинди.

Касабақўм раиси Шарофиддин Аҳмедов иш берувчи билан ҳамкорликда ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш бош мақсад қилиб белгиланганини, бунда жамоа шартномаси муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади. Амалдаги жамоа шартномаси аввалгилардан тубдан фарқ қилиб, унга аёллар ва ёшлар учун имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди. Ишчи-ходимларга 792 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган ишчи-ходимлар, илғорлар, фахрийлар рағбатлантирилмоқда. Нафақага чиқаётган ходимларни иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан рағбатлантириш анъанага айланган. 2010-2014 йилларда меҳнат муҳофазаси тадбирларига 401,2 миллион сўм сарфланди. Ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга эътибор кучайтирилди.

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Р. Жабборов сўзга чиқиб, касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар хусусида тўхталди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

***

1041 нафар аъзони бирлаштирган "Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖда касаба уюшма қўмитасининг беш йил давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди. Касабақўм раиси Шавкат Турсуновнинг ҳисоботи тингланди.

Масалалар музокарасида Ғулом Шукуров, Ҳамида Содиқова, Йўлдош Акромов ва бошқалар ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини баён этишди.

Шавкат Турсунов номзоди галдаги муддатга ҳам бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бош мутахассиси Азамат Абдуллаев сўзга чиқди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
"Ishonch" мухбири

***

Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри, Хоразм вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Фориш маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, Физика-Қуёш илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмиталарининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳам қизғин, музокараларга бой тарзда ўтди.

Ахмад Тўра олган сурат

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Вилоятдаги 30 нафар кекса ва ногирон фахрийга қўшимча равишда ёрдамчи ва реабилитация техник воситаларини бепул бериш учун 21,43 млн. сўм ажратиладиган бўлди. Иш берувчилар билан жамоа шартномалари тузиш орқали 1700 нафар собиқ ходимга моддий ёрдам кўрсатиш, 350 нафар пенсия ёшидаги ва юбилей саналари муносабати билан яна шунча фахрийга қимматбаҳо совғалар бериш ҳамда рағбатлантириш кўзда тутилган.

Вилоятда касаба уюшмаларининг барча бўғиндаги ташкилотларида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга татбиқ этилмоқда.

Албатта, Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар кўлами жуда кенг ва уларни амалга ошириш орқали кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, энг асосийси, нуронийларимизни қадрлаш, эъзозлаш баробарида ёшларимизни миллий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашга ҳам катта ҳисса қўшилади, деб ўйлайман. Чунки, кексалар дуосини олганларнинг иши ҳамиша бароридан келади. Нуронийлари эъзозланган юртнинг келажаги порлоқ бўлади.

Эсон РАЖАБОВ,
Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Ўқув-семинар

Мамлакатимиз фермерлари зиммасида улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Буни нечоғлик уддалаш эса кишидан чуқур билим ва кўникма талаб этади.

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Арнасой туманида бўлиб ўтган ўқув-семинар фермер хўжаликлари аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда касаба уюшмаларининг роли, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларга хавфсиз меҳнат шароити яратиш, бунда жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамоа шартномаларининг мукаммаллигига эришиш, аъзоларни ҳуқуқий ҳимоялаш сингари долзарб мавзуларга бағишланди.

Ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда вилоят фермерлар кенгаши ҳамкорликда жойларда ўтказилаётган ана шундай семинарларда вилоят КУТБК бўлим мудирлари А.Сангилов, И.Юнусов, И.Турсунов, Э.Умурзоқов соҳага оид маърузалари билан қатнашмоқда.

Семинар иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар берилмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
"Ishonch" мухбири

Бошланғичлар ҳаётидан

Муҳиба опа пиёда юришни ёқтиради. Бугун ҳам шу одатини канда қилмади. Катта кўча четидаги йўлкадан одимлар экан, беихтиёр хаёлга берилди. Кўнглидан «Умр оқар дарё экан. 30 йилдан ошдики, ҳар куни шу йўлдан ўтиб-қайтаман», деган ўй кечди. Пойтахтдаги 12-мактабни тугатиб, Тошкент политехника институтининг кимё технологиялари факултетига ўқишга киргани кечагидек ёдида. Уни билим эгаллашга қизиқтирган инсон отаси Ғулом Олимов бўлади.

ИЛМ АҲЛИГА КЎМАКДОШ

— Қизим, илмда гап кўп. Ҳеч қачон ўқиб-ўрганишдан тўхтама. У сенга бахт келтиради, — дея таъкидларди Ғулом ака. Табиатан тиришқоқ ва уқувли қиз 1975 йили институтни муваффақиятли битириб, шу илм даргоҳига ишга келди. Унга дастлаб кимё фанлари номзоди, профессор Абдувоҳоб Жалилов устозлик қилди. Аҳил жамоа, қолаверса, устозининг қўллаб-қувватлаши натижасида Муҳиба Бобохонова 1985 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади ҳамда «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик мажмуасида лаборатория мудири лавозимида фаолият кўрсата бошлади.

Шу ўринда мамлакатимиздаги йирик илмий-технологик марказлардан бўлган «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси томонидан кейинги йилларда амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтсак. Мазкур илмий муассаса фаолиятининг асосий йўналиши маҳаллий минерал ва иккиламчи хом ашёлар асосида органик ва ноорганик композицион материаллар кимёси, физикаси, механикаси ва технологияси борасида фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳисобланади. Бу ерда 11 та илмий тадқиқот лабораторияси, Ностандарт ва технологик жиҳозлар бўйича махсус конструкторлик бюроси, Таркибий тадқиқотлаш ва ноёб асбоб-ускуналар бўлими мавжуд бўлиб, 3 нафар академик, 11 нафар фан доктори, 21 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Жамоа кўплаб ютуқларни қўлга киритяпти. Сўнгги беш йил давомида пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилаётган республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида 60 дан зиёд ишланмалар билан иштирок этиб, ишлаб чиқариш корхоналари билан умумий ҳажми 925 млн. сўм бўлган шартномалар тузилганлиги, биринчи марта ихтиро қилинган мис ишлаб чиқаришнинг такомиллашган технологияси 2012 йилдан бошлаб Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг мис ишлаб чиқариш заводида тўла жорий этилгани, 2013 йил якунида унга «Йилнинг энг яхши ихтироси» дипломи ва мукофоти топширилганлиги бунга мисолдир.

Кимё фанлари номзоди, лаборатория мудири Муҳиба Бобохонованинг фаолияти шу илмий маскан билан чамбарчас боғлиқ. 2005 йили ҳамкасблари унга катта ишонч билдириб, касаба уюшма қўмитаси раислигига сайлашди. Шундан буён М.Бобохонова жамоада фаолият юритаётган 103 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясига ҳам масъул. Нодира Абдуқодирова, Лола Носирова, Барно Рўзиева ҳамда Бахтиёр Омонов каби фаоллар бу борада унга тиргак. Маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилоти ўртасида имзоланган жамоа шартномасига кўра фахрийларга, кўп болали ҳамда ёш болали оналарга моддий ёрдам кўрсатиб келиняпти. Корхона раҳбарияти билан келишилган ҳолда иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш) мақсадида ходимларга барча шарт-шароит яратиб берилган. Йил якуни бўйича ишда ўрнак кўрсатган ходимларнинг мукофотланиши йўлга қўйилган.

Меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилиниши устидан назорат олиб бориш касаба уюшма ташкилоти ҳамда меҳнат муҳофазаси хизмати зиммасида. Лаборатория ходимлари махсус кийим-бош, қўлқоп ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган.

Корхона касаба уюшмаси томонидан жамоатчилик асосида сайланган вакиллар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия аъзоларининг таклифлари инобатга олиниб, уларнинг бажарилиши муттасил текшириб борилмоқда. Янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қай даражада жавоб бериши экспертизадан ўтказиб келиняпти.

«Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этилган бўлиб, у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тавсиялари асосида жиҳозланган. Корхона балансида бўлган спорт ўйингоҳи қайта таъмирланмоқда.

— Ҳар бир киши ўзи ишлаётган жамоа билан фахрланиши лозим. Корхонамизда қобилиятли ёш олимлар ҳақида маълумотлар тузилган бўлиб, хорижий марказларда ўз малакаларини оширмоқда, — дейди Муҳиба Бобохонова. — Яқинда улардан айримлари Германия ва Японияда халқаро лойиҳалар совриндорлари сифатида тажриба алмашиб қайтди. Олимларимизнинг мақолалари ҳар йили АҚШ, Хитой, Германия, Франция, Италия, Туркия ва МДҲ мамлакатларида ўтказиладиган нуфузли конференция, симпозиумлар иштирокчиларининг илмий тўпламларида чоп этилмоқда. Шундай илм фидойиларига елкадош бўлаётганимдан, уларнинг оғирини енгил қилаётганлигимдан фахрланаман.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Жамоа шартномалари ижроси муҳокамада

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида 2014-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси ижроси меҳнат жамоаси конференциясида муҳокама этилди.

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Унда институт ректори, профессор Тоштемир Остонақулов ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди. Айни чоғда тикиш-бичиш цехи фаолиятини йўлга қўйиш баробарида, ёрдамчи хўжалик имкониятларидан оқилона фойдаланилмоқда.

— Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар 3 кундан 33 кунгача қўшимча хақ тўланадиган таътил кунларидан фойдаланиб келаётир, — деди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси А.Ҳосилбеков. — Ходимлар йилда бир марта бепул тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. 22 нафар эҳтиёжманд оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Институт жамоаси томонидан бир йиллик фаолият муносиб баҳоланиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда Ўз КУФК раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Бухоро вагон депосида жамоа шарномасининг 2014 йилдаги ижроси муҳокамасига бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда депо бошлиғи Ихтиёр Бердиев ва касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуд Чўллиев корхонанинг сўнгги 5 йиллик фаолияти даврида ижтимоий шериклик асосида иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

ҲАММАСИ ХОДИМЛАР УЧУН

Корхона Бухоро минтақавий темир йўл узели меҳнат жамоалари ўртасида ўзига хос мавқега эга. Жамоадаги соғлом муҳит, кадрлар малакаси, уларга яратилган қулай меҳнат шароити, хизматига яраша рағбатлантириш, оиласи учун ғамхўрлик кўрсатиш, бошқача айтганда, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ютуқлар омили бўлмоқда.

Таъкидландики, касаба уюшма қўмитасининг 2010 йил февралидан ҳозиргача ўтган даврдаги фаолиятида катта ўзгаришлар рўй берди. Амалдаги жамоа шартномаларига ходимлар манфаатига хизмат қилувчи қўшимча имтиёзлар киритилди. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилишини таъминлашга қаратилган бандлар ўз аксини топди. Ёшлар ва аёллар имтиёзлари доираси кенгайтирилди. Ҳар бир ходимга хизмат вазифаси ва иш стажига қараб 3 кундан 12 кунгача ҳақ тўланадиган қўшимча меҳнат таътилларини қўшиб бериш йўлга қўйилди.

2010-2015 йиллар давомида касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-ходимларга оилавий шароитини яхшилаш, соғлигини тиклаш, уй-жойларини таъмирлаш мақсадида 43,3 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимлар фарзандларининг ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун Самарқанддаги "Дўстлик" оромгоҳига 495 та имтиёзли йўлланма берилди. Тинчлик узелига қарашли Бузаубай, Майлисай, Қурали, Учқудуқ бекатларида меҳнат қилаётган эҳтиёжманд оилаларга бепул йўлланмалар тарқатилди. Ёлғиз нафақахўрлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олиш, байрамларда совға-саломлар билан йўқлаб туриш касаба уюшма фаолларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Корхонада "Устоз-шогирд" йўналишида ташкил этилган ишларнинг ҳам ибратли жиҳатлари кўп. Ҳисобот даврида депога "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК тасарруфидаги корхоналар, олий ўқув юрти ва коллеж битирувчиларидан 197 нафар ёш ишга қабул қилинди. Сўнгги икки йилда корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан ёш мутахассисларга 460 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётган баркамол авлод бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида боряпти.

Жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини таъминлаш борасидаги бандлари бажарилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жамоатчилик назорати яхшиланганлиги баробарида, ўтган беш йилда 155 нафар ходимнинг малакаси оширилди. Бу ижобий самара бераяпти. Жамоа аъзолари "Энг яхши корхона", "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловларининг вилоят ва республика босқичларида муносиб ўрин эгаллаётгани ҳам фикримиз исботидир. Шунингдек, корхонада ходимларни саёҳатларга жалб этиш, оммавий спортни ривожлантириш учун ташкил этилаётган турли тадбирлар бесамар кетмаяпти.

Конференцияда қўлга киритилган ютуқлар эътироф этилгани ҳолда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам чуқур таҳлил этилди, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Бир қатор ташкилий масалалар кўрилиб, Маҳмуд Чўллиев якдиллик билан яна касаба уюшма қўмитаси раислигига сайланди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 14-mart, shanba, № 34 (3539), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КЎҲНА ДИЁРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

дунёнинг ҳайратига сабаб бўлмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шаҳарнинг икки муҳташам дарвозаси — янгича қиёфа касб этган Урганч аэропорти ва темир йўл вокзалидан бошланган равон ва обод кўчалар бу заминда меҳнаткаш, яратувчанликка иштиёқманд, қолаверса, толеи баланд инсонлар истиқомат қилишидан далолатдир.

Қай бир хоразмлик билан суҳбатлашманг, беихтиёр гап ўзани бунёдкорликлар мавзусига бурилади.

— Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз аждодларимизнинг улуғ ишлари билан ҳақли равишда фахрланганимиз каби бугунги авлод ҳам келажак олдида ғурурланадиган ишларни амалга ошириши кераклиги ҳақидаги фикрлари тез-тез хаёлимдан ўтади. Истиқлол йилларида шаҳарсозлик маданияти юксалгани, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ортгани кенг кўламли ўзгаришларда кўзга ташланмоқда, — дейди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди Баҳодир Бобожонов. — Биргина мисол. Мустақилликкача Урганчда бор-йўғи 2 та маданият ва истироҳат боғи бор эди. Бугун эса уларнинг сони 17 тага етди. Бунинг замирида халқимизнинг турмуш фаровонлиги, яшаш тарзи, қолаверса, кайфияти ўз ифодасини топмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг ёшларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги рамзи сифатида бунёд этилган "Ёшлар кўли" шаҳарнинг чиройига чирой қўшди. Бу ерда ёшларимизга бемалол тарихдан сабоқ бериш мумкин. Чунки, кўл ўртасидаги оролчада гўё Ўзбекистоннинг бир парчаси мужассам. Самарқандниг Регистони, Бухоронинг Минораи Калони, Шаҳрисабзнинг обидалари ва Хиванинг Ичон-қалъаси тимсолида ёшларимиз юртимизнинг қадим ўтмиши, буюк аждодларимизнинг беқиёс тафаккури, ақлу заковатини ҳис қилиши мумкин.

***

Урганч ҳақида сўз кетганда Шовот канали ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Президентимиз 2012 йилда Хоразмга ташрифи чоғида вилоятда юзага келган экологик вазият, хусусан, Урганч шаҳри марказидан оқиб ўтувчи Шовот каналининг кейинги йилларда қаровсиз ҳолатга келиб қолгани, бу эса ҳудудда ер ости сувларининг кўтарилишига сабаб бўлаётгани хусусида сўз юритиб, каналнинг шаҳарни кесиб ўтувчи қисмини бетонлаштириш, унинг ён-атрофини ободонлаштириш лозимлигини таъкидлаганди.

2013 йилда бу йўналишдаги ишлар бошлаб юборилди. Каналнинг шаҳар ҳудудидан ўтган 7,5 километрлик қисмида бетонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қирғоқ бўйида мавжуд бўлган ноқонуний қурилмалар олиб ташланиб, 50 метрдан 100 метргача масофадаги ҳудуд ободонлаштирилди. Ҳар икки соҳилдаги кўркам ва замонавий ланшафт намуналари, маданий-маиший йўналишдаги иншоотлар, гулзорлар, спорт мажмуаларини кўриб кўз қувонади. Автомобил ва пиёдаларга мўлжалланган кўприклар ҳам замон талаблари даражасига келтирилди.

Каналнинг туби ва ён-атрофи бетонлаштирилиши натижасида ҳозирги кунда ер ости сувлари деярли бир метрга пасайиб, ҳудуддаги дарахтлар ва ўсимликлар яхши ривож топа бошлади. Шунингдек, оқимнинг пастроғидаги сувни 3,5 метргача кўтариш имконини берувчи тамба бунёд этилди. Бу эса кемаларнинг бемалол сузишини таъминлаб, ободонлаштириш ишларида сувдан фойдаланишни яхшилашга хизмат қиляпти.

— Ушбу бунёдкорликларда жамоамизнинг ҳиссаси катта, — дея ғурурланади "Хоразмйўлқурилиш" ташкилоти касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳурмат Аниязов. — Каналнинг икки тарафидаги йўлларни барпо қилганмиз.

Шовот каналининг ободонлаштирилиши натижасида Урганчда сув йўли транспортига асос солинди. Каналда сув бекатлари барпо этилди. Шаклу шамойили ўзига хос кемаларда маза қилиб сайр этишингиз мумкин.

Бу маскан оқшомларда янада серфайз бўлади. Урганчликлар ва меҳмонлар баракали иш куни ва саёҳатдан сўнг бу ерга ошиқади. Файзли Урганч оқшомлари Шовот каналида товланаётган шуълалардан нур олиб, янада чирой очгандай туюлади.

Умуман, каналнинг икки қирғоғида 14,2 км. масофада аҳоли дам олиш масканлари ташкил қилинди. Жами 89,5 гектар майдонда қурилиш ва обдонлаштириш ишлари бажарилиб, шундан 55 гектардан ортиғи кўкаламзорлаштирилди.

Дунёда ўртасидан дарё кесиб ўтадиган атиги 7 та шаҳар бор. Шовот канали обод этилгандан кейин Урганч уларнинг энг гўзалига айланди.

***

Бугун Урганчда нафақат иморатсозлик, балки йўлсозлик ҳам ривожланмоқда. Бунга шаҳарнинг кўпгина кўчаларида давом этаётган улкан қурилишларга қараб, ўзингиз гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Бунёдкорлик юмушлари билан танишиш жараёнида бир-биридан ҳайбатли техникалар диққатимизни тортди. Ҳамроҳимиз, "Хоразмйўлқурилиш" ташкилоти касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳ.Аниязов ушбу техникалар ҳақида маълумот берар экан, уларнинг иш қўлами ҳам ниҳоятда кенг экан-да деган фикр ўтди хаёлимиздан.

— Урганч шаҳридаги барча кўчаларни таъмирлаш, йўлакларга брусчаткалар ётқизиш, умуман, шаҳар йўлларини жаҳон андозалари даражасига етказиш белгиланган, — дейди касабақўм.

Бу жараёнда қалб қўрини бериб фаол иштирок этаётган касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан қизиқамиз. "Хоразмйўлқурилиш" ташкилотида ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан мунтазам таъминлаб келинмоқда. Бунинг учун ўтган даврда 68 512 500 сўм сарфланди. Бу борада қўлга киритилган муваффақиятлар эътироф қилиниб, ташкилот ходими Мақсудбек Қурбонбоев Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш» кўрик-танловида «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил» номинацияси бўйича учинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Ходимлар саломатлигини назорат қилиб бориш мақсадида ташкилотда тиббиёт хонаси ташкил этилиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун керакли дори-дармон билан таъминланган.

Ташкилотда спорт мусобақалари уюштириш анъанага айланган. Турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётир. Жамоа шартномаси меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим манба бўлмоқда. Умуман, жамоа қўлга киритаётган муваффақиятлар кўлами катта.

***

Урганчнинг спорт шаҳрига айланаётганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

— Вилоят марказидаги "Ёшлик" шаҳарчасида жойлашган улкан ёпиқ спорт манежи, гимнастика зали, бассейн, баскетбол ва бадминтон марказларида қурилиш ишлари якунланмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Р.Жабборов. — Спортнинг 20 тури бўйича бир вақтнинг ўзида 500 киши шуғулланиш имкони бўлган бундай иншоотни биз тушда ҳам кўрмаганмиз.

Дарҳақиқат, Урганчда бунёд этилаётган спорт шаҳарчаси Хоразм ёшлари учун улкан имкониятдир.

Юртбошимизнинг "Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўримизни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб воя га етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз" деган сўзларининг амалдаги тасдиғини хоразмликлар бугун ўз кўзлари билан кўриб туришибди. Бу йил иккинчи бор Хоразмда "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтади. Айни кунларда Урганч шаҳридаги "Ёшлик" спорт шаҳарчаси ва "Хоразм" ўйингоҳида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Президентимиз бир чиқишида "Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин", деган эди, — дейди кураш бўйича Жаҳон ва Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гулёр Отажонова. — Бугун нафақат Урганчда, вилоятимизнинг чекка қишлоқларида ҳам кўплаб спорт мажмуалари, майдонлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мажмуаларда мен тенги ёшлар соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда, иродамиз пўлатдай тобланмоқда.

Тез орада фаолият бошлайдиган спорт шаҳарчаси Гулёр каби кўплаб чемпионларни кашф этишга, энг муҳими, фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб улғайтиришга хизмат қилади.

Шуни ҳам эътироф қилиш жоизки, кейинги йилларда касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларни спортга кенг жалб қилиш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Зеро, фарзандинг спорт мажмуасига бошлаб келиши учун ота-она унинг аҳамиятини аввало ўзи ҳис қилмоғи лозим. Уюштирилаётган кўплаб спартакиадалар, мусобақалар ана шундай имкониятни яратиб бермоқда. Қолаверса, барча бошланғич касаба уюшма ташкилотларини, корхона ва ташкилотларни спорт анжомлари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш гимнастикасини амалиётга кенг жорий қилиш борасидаги тадбирлар ҳам меҳнаткашларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга, спортга иштиёқини оширишга хизмат қилаётир.

***

Умуман, амалга оширилаётган бунёдкорликлар воҳанинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаяпти. Нафақат вилоят қиёфасининг гўзаллашувига, балки инсонлар кайфиятининг янада кўтаринкилигига сабаб бўлмоқда. Ҳар бир хоразмликнинг тилида, дилида шукроналик.

— Ёшим 74 да. Президентимиз 2015 йилни Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилганини эшитганимда, 20 ёшга яшариб кетдим, кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшилди. Шундай юртда қадр топиб яшаётганимдан қувондим. Бу элнинг эндигина дунёга келган гўдагидан тортиб, биз кексаларигача эътибор ва эъзозда. Бундай эл дунёнинг қайси жойида бор? Юртнинг равнақи, миллатнинг бахти учун кўрсатилаётган бундай жонкуярлик ҳақида яна қаерда эшитгансиз? — дейди меҳнат фахрийси Рустам Қутлимуродов. — Узоқ йиллар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раҳбари бўлиб ишлаганман. Ва бир нарсага амин бўлганманки, бизнинг жамиятда, давлатда минг йиллардан буён шаклланиб келган маҳалла тизими бошқа ҳеч бир давлатда йўқ. Миллатимизнинг бебаҳо қадрияти бўлмиш маҳалла институти баҳамжиҳат ва тинч-тотув ҳаётнинг бош мезонидир аслида. Бугун Президентимиз раҳнамолигида ушбу тизимдаги янгиланишлар туфайли давлатимиз сиёсатидаги эътибор ва ғамхўрлик тамойили ҳар бир хонадонга кириб борди. Демак, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро бугун давлат ҳимоясида, давлат назаридадир.

Шубҳасиз, бундай ифтихорга тўла сўзлар ҳар бир юртдошимизнинг қалб тубидан отилиб чиқмоқда. Бинобарин, бунёдкорликларга гувоҳ, юксалишлардан баҳраманд бўла туриб уни эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

— Биласизми, мени нима ғурурлантиради? — дейди Равшан Жабборов. — Ушбу янгиланишларда касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси борлиги. Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир маърузаси мазмун-моҳиятини меҳнаткашларга етказар эканмиз, уларнинг Юртбошимиз ғояларини амалга оширишга кўмакдош бўлиш иштиёқи ортаётганига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун ҳам бунёдкорликларда фаол иштирок этаётган касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини янада кучайтиришга, улар учун муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратилишини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Илоҳим, юртимизга, меҳридарё кексаларимизга, шижоатли ёшларимизга кўз тегмасин!

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири.
"Ishonch" фотомухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар



Хотира уйғонса, гўзалдир

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгусидир яхши ному иши.
Шайх Саъдий Шерозий

ИБРАТЛИ УМР

Машҳур археолог олим, академик Яҳё Ғуломовнинг укаси, таниқли иқтисод илми дарғаларидан бири, домла Саидаҳмад Ғуломов ҳаёт бўлганида бу йил 105 ёшга кирган бўларди.

Устоз ҳақида ёзиш нечоғли қийин ва масъулиятли. Домла умрининг салкам етмиш йилини ёш авлод тарбияси ва илм-фан ривожига бағишлади. Ўз касбига меҳр қўйган одамгина атрофидагилар меҳрини қозонади. Бу — устознинг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб мен англаган ҳақиқат. Бу олийжаноб инсонни талабалик йилларимдан, яъни 1955 йилдан бери биламан. Домла айниқса, иқтидорли ёшларга кўп ғамхўрлик қилар эди.

Иқтисодиёт назарияси, иқтисодий таълимотлар тарихи ва халқ хўжалиги тарихининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган билимдон олим яратган илмий мактаб сабоғини олган кўплаб ёш илм соҳиблари ҳамон устозни ҳурмат билан эслаб юрадилар. Домланинг раҳбарлигида беш нафар фан доктори ва 12 нафар фан номзоди етишиб чиқди.

Домланинг ўнга яқин монография, дарсликлари, юздан ортиқ рисола, илмий мақолалари чоп этилган. "Чет эл мамлакатларининг иқтисодий тарихи" номли китоби Японияда инглиз тилида босмадан чиққан.

Домланинг хонадони барча учун очиқ эди. Илм аҳли кўпинча у киши яшаган уйга тортинмай бориб, юрагини очар, мавжуд муаммоларига ечим йўлларини топиш учун маслаҳат сўрар эди. Устоз баҳоли қудрат муаммоларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатарди.

Эсимда, 1982 йилда илмий ишимни тугатиб, биринчи оппонент масаласида кенгашиш учун уйларига бордим. Домла илмий ишим мавзусини сўради ва бироз мушоҳада қилиб, "Ўғлим, кейинги ҳафта институт Илмий кенгашида 2 та ҳимоя иши бўлиб ўтади, ўша куни оппонент масаласини ҳал қилиб беришга ҳаракат қиламан", деди. Ҳақиқатан ҳам ўша ҳимоя куни биринчи оппонент масаласи ҳал бўлди. Домланинг ҳурмати учун Тожикистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳабибулло Саидмуродов оппонентлик қилишга розилик берди. Кейин билсам, у киши мендан аввал Ферузахон Ғаниҳўжаева ва Эркин Ғуломовларнинг диссертация ишига ҳам оппонентлик қилган экан.

Домла бутун умри давомида бағрикенгликни ва машаққатли меҳнатни бирга уйғунлаштириб яшашга ҳаракат қилди, бунга эришди ҳам.

Саидаҳмад Ғуломов талаба ва ёш ўқитувчилар билими ва тарбиясига қўшган катта ҳиссаси учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвонига сазовор бўлиб, кўплаб фахрий ёрлиқлар, орден ва медаллар билан тақдирланган.

Домла баракали илмий ижодларидан ташқари оқил фарзандлар тарбиялади. Фан соҳасининг энг юқори чўққиси ҳисобланмиш академиклик унвонига сазовор бўлган, забардаст олим — Саидаҳрор ва Саидасрор Ғуломов ҳамда Феруза Ғаниҳўжаева устознинг фарзандларидир.

Турғун ЗИЯЕВ

Реклама ва эълонлар

«Denov Realtor Servis»МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога тугатиш бошқарувчиси томонидан Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2014 йил 22 сентябрдаги №19-1404/15397-сонли ҳал қилув қарори, 2014 йил 3 ноябрдаги тугатиш бошқарувчисини тайинлаш тўғрисидаги ажрими, тугатиш бошқарувининг 2015 йил 22 январдаги №02-сон кредиторлар йиғилиш баённомаси қарори ҳамда 2015 йил 9 мартдаги 1/95-сонли буюртманомасига асосан;

1. Музробот туман, Шарқ Юлдузи ҚФЙ «Халқобод кўрғони» маҳалласи манзилида жойлашган, умумий ер майдони-4500 кв.м. бўлган «Олтойташсервис» муқобил машина трактор паркининг (А-литерлардаги 1 қаватли, 3 хонадан иборат) «Устахона» биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 28218785 сўм.**

2. Музробот туман, Шарқ Юлдузи ҚФЙ, «Халқобод кўрғони» маҳалласи манзилида жойлашган, умумий ер майдони-4500 кв.м. бўлган «Олтойташсервис» муқобил машина трактор паркининг (А-литерлардаги 1 қаватли, 6 хонадан иборат) «Маъмурий» биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 17785172 сўм.**

Савдо 2015 йил 15 апрел, 30 апрел,15 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабномалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 17:00 гача қабул қилинади (12:00 дан 13:00 гача тушлик). Талабномаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 14 апрел куни соат 17:00. Аукцион савдоси якунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Савдо ғолибига 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.Тугатиш бошқарувчиси томондан ҳар бир мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида белгиланади

Талабгорлар кўчмас мулкнинг бошланғич нархидан 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИФ Миллий банк Денов бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000904954646001, МФО 00845, СТИР 302191030.

Савдо ташкилотчиси жойлашган савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй «Тадбиркорлар маркази» биноси. Тел: (0-376) 4131656, Лицензия:RR-0105.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Универсал кимошди савдо» корхонаси навбатдаги аукцион савдосини Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2015 йилнинг 14-, 15-, 17 апрел кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказади. Ушбу «Кимошди» савдосида қуйидаги автомототранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

I. МХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан савдога қўйилган:

1.МАТИЗ русумли, 2008 йилда и/ч, 75 О 916 СА д/б, таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси 8 700 000 сўм.

2. НЕКСИЯ СОНС русумли, 2014 йилда и/ч, 75 А 055 СА д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси 10 400 000 сўм.

3. НЕКСИЯ СОНС русумли, 2012 йилда и/ч, 75 С 755 DA д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси 8 700 000 сўм.

4. НЕКСИЯ русумли, 2008 йилда и/ч, 75 J 688 АА д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси 6 700 000 сўм.

5. НЕКСИЯ русумли, 1999 йилда и/ч, 75 W 848 ЕА д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси 3 200 000 сўм.

6. DAF XF95.430 русумли, 2001 йилда и/ч, 75 N 310 ЕА д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси 24 000 000 сўм.

7. KOGEL SN24 русумли, 1998 йилда и/ч, 75/0486 АА д/б таъмирталаб яримтиркама. Бошланғич баҳоси 11 000 000 сўм.

II. «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти Сурхондарё филиали томонидан савдога қўйилган:

1. УАЗ 31512 русумли, 1990 йилда и/ч, 75/915 GAA д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси 2 393 400 сўм.

2. ГАЗ-3102-121 русумли, 2006 йилда и/ч, 75/031 JAA д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси 17 522 000 сўм.

III. Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонаси томонидан савдога қўйилган:

1. ГБАСНГ Газ-31029 русумли, 1994 йилда и/ч, 75/083 ВАА д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси 2 310 000 сўм.

2. ДАМАС русумли, 2001 йилда и/ч, 75/394 DAA д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси: 3 848 000 сўм.

IV. 13-сон Кўрилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси томонидан савдога қўйилган:

1. РАФ русумли, 1991 йилда и/ч, 75/273 JAA д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси: 600 000 сўм.

V. «Шеробод» савдо маиший Давлат корхонаси томонидан савдога қўйилган:

1. Уаз-33031 русумли, 1990 йилда и/ч, 19 JO 109 д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси: 3 097 000 сўм.

VI. Сурхондарё вилоят хўжалик судининг тегишли ҳал қилув қарорларига ва фермер хўжаликлари кредиторларининг йиғилиш баённомаларига асосан суд тугатиш бошқарувчисининг 09.03.2015 йилдаги № 1/95-сонли буюртманомаси билан савдога қўйилган:

1. Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 13.02.2014 йилдаги № 19-1406/1337-сонли ҳал қилув қарори ва Узун тумани «Сайқал» ф/х кредиторларининг 10.02.2015 йилдаги № 04-сонли йиғилиш баённига асосан ф/хга тегишли, Klaas-Dominator-130 русумли, 2009 йилда и/ч, 86-66 ЕЦ д/б, техник носоз комбайн. Бошланғич баҳоси 100 652 800 сўм.

2. Сурхондарё вилоят Хўжалик Судининг 10.09.2014 йилдаги № 19-1404/1253-сонли ҳал қилув қарори ва Музработ тумани «Шомуродов Шерзод» ф/х. кредиторларининг 06.02.2015 йилдаги №06-сонли йиғилиш баённига асосан ф/х.га тегишли, МТЗ-80-Х русумли, 1990 йилда и/ч, 43-80 СМ д/б, техник носоз трактор. Бошланғич баҳоси 3 015 305 сўм.

3. Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 19.01.2015 йилдаги № 19-1406/1212-сонли Ҳал қилув қарори ва Жарқўрғон тумани «Қўрғон-тепа» ф/х. кредиторларининг 27.02.2015 йилдаги №01-сонли йиғилиш баённига асосан ф/х.га тегишли, МТЗ-80-Х русумли, 1987 йилда и/ч, 01-09 ЕШ д/б, техник носоз трактор. Бошланғич баҳоси 5 197 400 сўм.

4. Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 21.10.2014 йилдаги № 19-1404/15577-сонли ҳал қилув қарори ва Узун тумани «Муҳаммаджон-М» ф/х. кредиторларининг 10.02.2015 йилдаги №02-сонли йиғилиш баённига асосан ф/х.га тегишли, Дамас русумли, 1996 йилда и/ч, 19 AD 569 д/б, техник носоз автомашина. Бошланғич баҳоси 4 349 100 сўм.

5. Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 03.11.2014 йилдаги № 19-1404/15392-сонли ҳал қилув қарори ва Музработ тумани "Нормуродов Асилбек" ф/х. кредиторларининг 22.01.2015 йилдаги №01-сонли йиғилиш баённига асосан ф/х.га тегишли, МТЗ-80-Х русумли, 1984 йилда и/ч, 65-93 СН д/б, техник носоз трактор. Бошланғич баҳоси 4 650 224 сўм.

6. Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 10.09.2014 йилдаги № 19-1404/1251-сонли ҳал қилув қарори ва Музработ тумани "Абдураҳимов Равшан" ф/х. кредиторларининг 06.02.2007 йилдаги №02-сонли йиғилиш баённига асосан ф/х.га тегишли, МТЗ-80Х русумли, 1986 йилда и/ч, 25-21 ЕЖ д/б, техник носоз трактор. Бошланғич баҳоси 1 535 467 сўм.

Кимошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё универсал кимошди савдо» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ Ҳамкорбанкдаги х/р: 20208000600426628002, МФО:01001, ИНН:303172243 га сотилаётган автомототранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт: Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган автомототранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 4-, 5-, 6-, 12 май кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган мол-мулклар билан сотувчи иштирокида бевосита сақланаётган жойига бориб танишиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 10-хона. Тел/факс: +99876-223-07-96. Гувоҳнома № 637.

Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уй манзилида жойлашган собиқ 2-сонли давлат мева-сабзавот тайёрлов корхонаси бино-иншоотларидан иборат мулкий мажмуаси.

Бошланғич нархи – 30 169 802 131 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳри бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 15 апрел куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил, 29 апрел, 13-, 27 май, 10-, 24 июн, 8-, 22 июл, 5-, 19 август, 2-, 16 сентябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

-юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48.

Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Хидиров Аскар Абдисалимовичга тегишли бўлган Чилонзор тумани Алгоритм даҳаси 1-уй, 153-хонадон ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2015-yil 14-mart, shanba, № 34 (3539), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзи суратга олди.

Обод маҳалла — юрт кўрки

ХАЙРЛИ АМАЛЛАР

Шу кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида ободонлаштириш ишлари авж олган. Навбаҳор туманида ҳам бундай хайрли юмушлар кенг қулоч ёзганига гувоҳ бўлиш мумкин. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими ташаббуси билан ҳозиргача ҳудуддаги 1550 километрдан зиёд ариқ ва зовурлар тозаланди. Айни пайтда 49 та қабристон ва 3 та зиёратгоҳ тартибга келтирилаяпти. Наврўз байрамига қадар 1500 дан ортиқ мевали ва кўплаб манзарали дарахт кўчатлари экилиб, дарахтларга шакл берилади.

— Маҳалламизда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этишга алоҳида эътибор берилаётир, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Худоёр Раҳмонов. — Бешта иссиқхонанинг ишга туширилиши натижасида ўнлаб ёшлар доимий иш жойига эга бўлди. Темирчи Нарзиқул Мамаражабов, тикувчи Гулшан Олтинова, сандиқсоз Маҳмуд Ҳамроев, мисгар Рустам Ортиқов, дурадгор Акбар Эшқувватов халқ амалий санъатини ривожлантириш билан бирга, ўзларига муносиб издошлар тайёрлашмоқда. Маҳалла оқсоқоллари, фахрийлар, ота-оналар билан келишиб, Наврўз шодиёналарини катта кўтаринкилик билан ўтказмоқчимиз.

Қарийб 3400 нафар аҳоли истиқомат қиладиган «Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда, йўл четидаги ариқлар тозаланиб, турфа гуллар экилаётган экан. «Лочин» ва «Ёшлар» кўчаларига шағал тош ётқизилибди. Туман ободонлаштириш бўлими кўмаги билан ҳар бир кўчада чиқинди ташлайдиган махсус жойлар қурилган. «Ёшлар» кўчаси аҳли дошқозонда сумалак осиб, ўйин-кулгу ва шоду хуррамлик билан сайилни бошлаб юборишибди.

Умматқул САЛОМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навбаҳор туман кенгаши раиси

Таассурот

Халқ ўйинлари ёшларнинг жисмонан ривожланишида беқиёс ўринга эга. Яқинда Жиззах вилоятининг Қизилқир яйловида ўтказилган арқон тортиш мусобақаси менда ўзгача таассурот қолдирди.

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

...Майдонда кўзлари ёниб турган йигитлар. Беллашув бошланди. Улардаги шижоат, ор учун жонини жабборга беришни кўрсангиз. Бир томон ютиши керак. Бу эса кучлиларгагина насиб этади.

Жиззахда йигитлар ўртасида «Кўпкари», «Минди-минди», «Тош кўтариш», «Елкада юриш», қизлар ўртасида эса «Арғамчида сакраш», «Уриб қочар» сингари ўйинлар кейинги йилларда оммалашиб бораяпти.

Хўроз,... қўчқор уриштиришлар... Улар йиғилганларга байрамона кайфият улашади. Бир ёнда дорбозлар, бир ёнда аскиячилар, яна бир тарафда санъаткорлар... Сайилга чиққанларнинг кўнгиллари шод. Шу дамда Ҳамид Олимжоннинг: «Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, ҳар баҳор ҳам шундай ўтади», деган сатрлари кенгликлар узра парвоз қилаётгандай...

Пардабой ТОЖИБОЕВ

I

— Ҳай-ё-ҳуйт, чу, жонивор.
— Бўш келма, чавандоз!
— Такани маҳкамроқ тақимла!..

Майдонни чавандозларнинг "ҳайда-ҳайда"си, гуррос-гуррос елаётган тулпорлар туёғи дупури, бутун борлиқ ғам-ташвишларига қўл силтаб, севимли бедови-ю чавағонига кўз тиккан ишқибозларнинг шовқини тутган.

Кўпкари шафқатсиз ўйин. Шафқатсизлиги шундаки, сурдовнинг қайноқ нуқтасида чавандознинг қўли, оёғи қайрилиб синиши, бош ёрилиши, рақиб қамчиси жароҳат етказиши, кутилмаган вазиятда кўзларни яшнатиб елаётган от нимагадир қоқилиб йиқилиши, бўйни қайрилиши, эгардан отилиб кетган суворий тулпорлар туёғи остида қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Кўпкарини мардлар ўйини дейиш шундан.

Шу боис чавандоз оёқни бир меъёрда сақлаш учун қўнжига тахтакачлар қўйилган, пошнаси баланд ҳаккари этик кийиб, ичидан пайтава ўрар, бошига пахтаси қалин этиб тикилган қулоқчин, кафтига ғилоф кияди.

Нафақат от, балки чавандоз ҳам мавсумга махсус тайёргарлик ўтаб киради.

Сирасини айтганда, бу ўйин мухлислари ва иштирокчилари даврасига аралашиб қолсангиз, кўпкари деганлари оддийгина сўз билан таърифлайдиган ўйин эмаслигига имон келтирасиз.

Рости, биз ҳам чинакам кўпкари майдони эрлари суҳбатини олмагунимизча даврага кирган ҳамма отлиқни бирдек "чавандоз" атаб юраверган эканмиз. Кейинчалик билсак, чавандозлар майдонда бажарадиган ишига қараб гуруҳларга бўлинаркан.

Уларнинг энг катта тоифасини "ер чавандозлари" деб аташаркан. Бу тоифадагилар жонини жабборга бериб, пешонасидан реза-реза тер тўкиб, такани ердан кўтариб оларкан. Ўзиям улар чавандознинг зўри саналар, аммо кўпинча бошқа тоифадаги чавандозларнинг тайёр ошу нони бўларкан.

Улар қўрқув-ҳуркувни билмас, отиям отмисан от бўлар, тўши билан рақиб бедовини суриб кетаверар, кўзланган маррагача йўл очар, такани оёғи остига олиб, эгаси кўтариб олмагунча бўшатиб юбормас экан.

Ер чавандози биров кўтарган такага қўл солмас, қора меҳнати билан тақимлаган солимни ҳалол деб билар, бир-бирини қондош-қариндошдек яқин кўрар, давраларда бир-бирига сирдош бўлар экан.

Яна бир гуруҳ чавандозларни "сурдакчилар" дейишаркан. Улар ҳориб-чарчашни билмас, ердан кўтарилган така чавандозлар ўртасида талош бўлиб, узоқ вақтгача ҳеч ким аҳрим қилолмаганда ҳам тўдадан чиқмас, охир-оқибат солимни ҳалол ажратишаркан.

"Доира чобағонлар" деб номланувчи учинчи тоифа чавандозларни "тайёр ошга баковуллар" ҳам дейишаркан. Улар сурдову сурдакка киришмас, такани кўтарган чавандоз доира бўлиб от сураётган суворийлар орасидан чиқолмай тегирмон тошидек ғир-ғир айланиб чарчаганида, солимга қўл солиб, осонгина тортиб кетишаркан.

Тағин бир тоифа чавандозлар бўлиб, улар майдонда мард олишмас, ғирромликка қўл урар, қулай пайт топиб таканинг оёғига чилвир солар экан. "Чилвиркашлар" деб аталмиш бу тоифани нафақат чавағонлар, балки мухлису шинавандалар ҳам ёқтиришмаскан.

Чавандозларнинг энг чаққони, қўрқмасу ботири "четгир"лар саналаркан. Бу тоифа вакиллари ол жийиндан така олиб чиқилишини пойлаб туришар, чиққан жойида таканинг бир пойчасига чанг солиб, тақимлаб келаётган чавағон билан яккама-якка олишаркан. Улар фақат билагидаги кучига ишонишар, такани узиб олса совринни олар, ололмаса ҳам бировдан ўпка-гина қилиб юришмас экан. Энг эпчил четгирлар қатнашаётган даврада чавандозлар "барибир қўлимиздаги довимизни фалончи тортиб олади" деб ноумид бўларкан.

Ҳикоямиз шу тоифанинг донгдор вакилларидан бири ҳақида.

II

Четгирлар ҳақида гап кетганда Алпон билан Панжи чавандознинг фикри бир ердан чиқди:

— Бу тоифадаги чавағонларнинг ҳеч бири чоштепалик Эшқул ака билан баҳслашолмасди.

— Раҳматли бир силтаганида такани тортиб олиб, мен-мен деган чавандозни ҳам доғда қолдирарди.

Бежиз Комил бахши:

Саман минган Эшқул шоввоз,
Қушдай енгил қилар парвоз.
Эҳтиёт бўнг чавағонлар,
У бор жойда берманг овоз, —

деб куйламаган.

— Эшқулнинг отасини Бойпўлат, лақабини ҳўкиз дейишарди, — қалин дафтарини варақлаб сўз бошлади Маҳмадали буғолтир. — Ўзиям лақабига мос одам эди. Қулоғим билан эшитганман, бир гал Бойпўлат қўш ҳайдаётган чоғи ҳўкизларнинг бири омочни тортишга ярамай қолади. У ҳўкизга дам берса вақт кетишини ўйлаб, бўйинтуруғни белига боғлаб, олтмиш сотих майдонни иккинчи ҳўкиз билан бирга ҳайдаган экан. Шу-шу Бойпўлат ҳўкиз деган лақаб унинг номига чиппа ёпишган-қолган. Гапнинг очиғи, Эшқулнинг ҳам сумбати унча-мунча йигитдан қолишмасди. Ёшлигидан чавағонлар сардори Равшан Тиловнинг этагидан тутди.

Ёш чавандоз йиллар ўтиб устози эришолмаган марраларни эгаллаб, давраларнинг гули, отасининг ули бўлди. Отадан ул, деб шунга айтишса керак.

Биз ҳам мазкур мулоҳазалар сабаб "кўпкари гурунглари"да Эшқул четгир ҳақида эшитганларимизни бир-бир эслашга тушдик.

III

Дегморонлик Холмирза Раҳмонов ўғилларига кўпкарили тўй берадиган бўлди. Икки-уч киши тўпланган даврада бўлажак кўпкарининг гурунги. Чавағонлар ўзларига бас келиши мумкин бўлган узангидошларини эсласа, мухлислар бўлғуси тўйда кимнинг дови чопиши мумкинлигидан гапиради.

— Эшқул четгир деганлари бизнинг ҳисобимиздан кун кўрадиган одам, мард бўлса сурдовга ёки сурдакка кирсин, — бақириб юборди қамашилик Жалил полвон.

— Шу тўйда унга биронта зотни бермаслик керак, — даврадошини қўллаб-қувватлади Товошар чавандоз.

— Эшқул ҳақида бундай гапириш яхшимас, — деди оқсоқоллардан кимдир. — У четгир бўлса ҳам зотни ҳалол эгаллайди. Ҳали бирон маротаба номардлик қилганини кўрганим йўқ.

Гапни катта гапириш ярамайди, аммо мазкур гурунг қулоғига чалинган Эшқул ўзини босиб туролмади. Кўпкари бошланганида ол жийинга юзланиб:

— Халойиқ, бугун менинг ишим Жалил ҳамда Товошар билан, иложлари етса, менга раҳм-шафқат қилишмасин, — деб баралла овозда жар солиб юборди.

Алам билан айтилган бу сўзларни эшитиб икки чавандоз сергак тортди, кўпкари давомида четгирларга нон бермайдиган сара, югурик отларда чопиш режасини тузди.

Томошабинлар ҳайбаракаллачи бўлишди.

Давра қизигандан қизиди, бироқ шу кун томошага тўпланганлар Жалил билан Товошар чавандознинг ҳолига ачинишдан бошқа чора топишолмади.

Улар ҳар гал минг азобда улоқни тақимлаб, даврадан орани очдим деганларида олдларидан Эшқул четгир кўндаланг чиқаверди.

Охир-оқибат Эшқулни даврада мулзам этишни кўзлаган икки узангидош уни четга чақириб:

— Жон жўра, биздан бир ўтибди, гуноҳимизни ўтинг, шундай даврадан қуруқ кетсак, қишлоқдошларимизнинг юзига қандай қараймиз, — деб илтимос қилишга мажбур бўлишди.

IV

— Эшқул ака ғирромларни ёқтирмасди, — гап халтасини очди Алпон чавандоз. — Етмишинчи йилларнинг боши эди. Бойқўрғонлик Тожи Худойқул деган раис ўғилларига икки кунлик кўпкарили тўй берганди. Биз ёш чавағонлар ҳам бирёғи бахтимизни синаб кўриш, иккинчи томони устозларнинг сабоғини олиш ниятида тўйга боргандик. Кўпкари Омборсойда чопилди. Шоди қозоқнинг рақибларини лол қолдириб юрган кезлари. Одамлар кўпкарига Шоди акани бир кўриш учун борадиган даврлар. Бир пайт у киши сурдакка тушган такани отларнинг туёғи остидан тортиб олиб, тақимига босганда бошқа биров эмас, ўз қишлоқдоши Рустам узангидошига ёрдам бериш ўрнига таканинг бир оёғига чилвир ташлади. Даврада ғала-ғовур кўтарилди:

— Рустам ғирромлик қилмасин.

— Такага чилвир солиш номардниг иши...

Ўшанда одамлар нима демасин, Эшқул ака йигитнинг ишини қилганди.

Давраларга бирга юрган узангидошининг номардлигидан ҳайрону лол қолган Шоди ака уринишлари зое кетгач тақимни бўшатди. Рустам ғалаба нашидасидан масрур бўла бошлаганда, рўпарасида "Чивин" лақабли отини қичаб Эшқул ака пайдо бўлди. Четгирлар султони оломоннинг ҳайқириғи остида солимга қўл солди. Ишонсангизлар, даврани икки айланишганида Рустамнинг чилвирида таканинг бир пойчасигина қолди.

V

— Дархонлик Семангир Эшпўлатовнинг тўйида Эшқул четгир билан Кенжа чавандознинг солим талашгани сира эсимдан чиқмайди, — суҳбатни давом эттирди Абдусалом Раҳимқулов. — Азалдан иккаласининг рақобати бор эди. Кейжа чавандоз акаси Бойтўранинг "Бўз" оти билан солимни сурдакдан эндигина олиб чиққанида Эшқул ака Равшан Неъматнинг "Қора оқбурун" тулпорида такага панжа босди. Иккови катта тошлоқ нишабликка қараб тортишиб бораётганида Эшқул чавандоз рақибини йиқилган отига қўшиб судраб кетди.

Эҳ-ҳ, Эшқул ака давранинг гули, йигитнинг зўри эди. Бўлмаса унинг номи вафотидан шунча йиллар ўтиб, кўпкари гурунгларида эсланиб юрармиди...

Абдунаби АБДИЕВ

Қадрият

Ҳашар — элга ярашар

— Дуо олишда гап кўп, болам. Дуо билан эр, ёмғир билан ер кўкарар, деб бежиз айтишмайди, — деганди отам ўтган йили Наврўз байрами арафасида қишлоққа бориб, ҳашар устидан чиққанимда. Мен ҳам ўшанда акаларимга қўшилиб, ҳовлимизда кўчат ўтқазишга ёрдамлашгандим.

ҲАМИША УЛУҒЛАНГАН АНЪАНА

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 мартдаги фармойишига биноан жорий йилнинг март-апрел ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 14-15 март — умумхалқ хайрия ҳашари куни, деб эълон қилинди. Ойлик ва бугун бошланган ҳашарни ўтказийшдан мақсад Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш, юртдошларимиз ўртасида меҳр-оқибат ҳамда ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашдир.

Қадимий қадрият сифатида яшаб келаётган ҳашарнинг таг замирида элни эзгу ишларга сафарбар этиш, одамлар ўртасида бирдамликни кучайтириш, бунёдкорлик ва ободончилик ишларини кенг ёйиш мақсади мужассам. Истиқлол йилларида бу анъана янада теран мазмун касб этди. Байрамлар арафасида, айниқса, қадр-қиммат, меҳр-мурувват ва анъаналар тимсоли бўлган Наврўзи оламни муносиб нишонлаш мақсадида юртимизнинг барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларида умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш одат тусига кирди.

Уюшган ҳолда ҳашар ўтказиш бежиз эмас. Бу орқали қанчалаб майдонлар ободонлаштирилади, ариқ ва зовурлар тозаланади. Дарахтлар оқланиб, шакл берилади. Зиёратгоҳ ва қабристонлар атрофи тартибга келтирилади. Манзарали ва мевали дарахт, гул кўчатлари ўтқазилади. Дала ишлари авж олади. Эҳтиёжманд оилаларга меҳр-мурувват кўрсатилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ кексалар ҳолидан хабар олиниб, совға-салом улашилади. Шунингдек, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасалар атрофи тартибга келтирилади. Қўйингки, шаҳару қишлоқларимиз янада мафтункор, кўркам қиёфа касб этади.

Ҳашарда ёшу қари бирдек қатнашади. Кексалар ёшларга дарахтларни буташ, кўчат экиш каби ишларда йўл-йўриқ кўрсатади. Ёшлар эса эл юмушида фаоллик қилиб, нуронийларнинг дуосини олади.

Ҳа, ҳашар баҳона атроф-муҳит янада обод бўлади. Кўтаринки тарзда, ўзаро аҳиллиқда ўтувчи бу удум кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, улардаги меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Аҳмад ТЎРА олган суратлар

Реклама ва эълонлар

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ.

По объекту: **«Капитальный ремонт улицы «Галаба» протяженностью 1-4,4км. города Навои (от перекрёстка улицы Меъморлар до мусульманского мечета города Навои)».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 7 803 594 991 сум, с НДС 9 364 313 989 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **130 дней.**

Заказчик **ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий 63.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств Республиканского дорожного фонда и местного бюджета.**

(размер квот для субъектов малого бизнеса 25%).

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Х.Дустлиги 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления. **Услуги лицензированы.**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 22:20
Topshirildi — 22:40

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 315 20844 nusxada bosildi 1 2 3 4 6